



“ҚОРАҚАЛПОҚБАЛИҚСАНОАТ” ВА “ТИАНДЗИН ТЯН СЯН” ЎРТАСИДА МЕМОРАНДУИ ИМЗОЛАНДИ

2018 йил 9 май. Хитой Ҳалқ Республикаси “Тиандзин Тян Сян” компанияси раҳбари Миао Дзиенфа ва Као Гуангвин Қорақалпоғистон Республикасида хизмат сафарида бўлмоқда.

Сафардан кўзланган асосий мақсад 2017 йил 20 ноябр - 5 декабр кунлари Ўзбекистон Республикаси делегатсиясининг балиқчилик соҳаси бўйича Хитой Ҳалқ Республикасига сафари доирасида “Қорақалпоқбалиқсаноат” МЧЖ раҳбари А.Ж.Бекниязов ва “Тиандзин Тян Сян” компанияси директори Миао Дзиенфа билан балиқчилик соҳасини янада ривожлантириш, янги балиқ турларини етишириш бўйича Тиандзин шаҳрида ўз-аро имзоланган меморандум доирасидаги белгиланган вазифаларни бажаришдир.

Айни пайтда меҳмонлар Республикамиз худудига мос келадиган балиқ турларини тадқиқотлар орқали аниқлаш, шунингдек, сунъий балиқчиликни ривожлантириш бўйича техник режани ишлаб чиқиш бўйича барча туманлардаги табиий ва сунъий кўлларда ўрганишлар олиб бормоқда. Сафар давомида шунингдек, Ташкент аграр университети Нукус филиалида “Тиандзин Тян Сян” компанияси мутахассислари иштироқида мазкур саҳо бўйича ўқув-семинар ташкил етилади.



2(48).jpg